



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 21 ноябр, чоршанба № 182 (1196)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



2001 yil — Onalar va bolalar yili

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 ноябр кuni Оқсаройда АҚШ сенаторлари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари ний ҳужжатлар билан таъминлашга фаол киришиб ташрифи билан кутлар кетгани эътиборга молик экан, АҚШ Конгрессининг сўнгги вақтлардаги фаолиятига юқори баҳо берди. - 11 сентябр фожиасидан кейин Сенатда ва умуман Конгрессда партияларо баҳсларга чек қўйиб, бир овоздан мамлакат Президентини қўллаб-қувватлашга қарор қилингани, конгрессменлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни қону-

маъмуриятининг бу мақсад учун 40 миллиард доллар ажратиш ҳақидаги қарорини маъқуллади.

Демократ Карл Левин Сенатнинг Куролли кучлар бўйича қўмитасига раислик қилади. Жон Уорнер ҳам мудофаа сиёсатига оид қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш, ҳарбий бюджетни кўриб чиқиш, мудофаа вазирлигидаги юқори лавозимларга номзодларни тасдиқлаш каби фойдаланувчи ушбу қўмитанинг Республикачилар партияси томонидан сайланган аъзоси. Уларнинг ҳар бири 23

йиллик сенаторлик тажрибасига эга бўлиб, АҚШдаги обрўли сиёсий арбоблардан ҳисобланади. Оқсаройдаги учрашувда икки мамлакат ўртасида тобора ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги хавфсизлик ва барқарорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).  
Суратда: қабул пайти. А.Тўраев (ЎЗА) олган сурат

Хорватиянинг Загреб шаҳрида фигурали учш бўйича «Олтин пируэт» деб номланган халқаро турнир якунланди. Унда 40 та мамлакатдан ташриф буюрган 100 нафардан ошқ спортчи мусо-

## ЎЛЛАНМА ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

бақаларнинг асосий совринлари учун мусобақалашди. Ушбу турнирда ҳамюртларимиз Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридов жуфтлигига омад қўлиб боқди. Улар Франция, Германия, Канада спортчиларидан сўнг тўртинчи ўринни эгаллаб, миз Татьяна Малинина ва Роман Скорняков, шунингдек, Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридов жуфтлиги жорий йилнинг ноябр ойи охирида Японияда бўлиб ўтadиган «Гран-при» туркумидаги турнирда ҳам қатнашди.

(ЎЗА)

## ТЕКШИРИШЛАР САМАРАСИ ОШМОҚДА

Жиззах вилоятида ҳўжалик юритувчи субъектларни руҳсатсиз текшириш қамиймоқда. Йил бошидан буён борйўги 188 та шундай текшириш ўтказилгани ҳам шундан далолат. 62 текшириш эса чўзиб юборилган. Бундай натижага текширишларнинг самарадорлигини ошириш борасида белгиланган режа асосида иш олиб борилаётгани омил бўлмоқда. Хусусан, йил бошида белгиланган текширув режаси қайта кўриб чиқилиб, 1 минг 60 тага камайtirилди.

Айни пайтда, ўтказилаётган текширишларнинг самарадорлигини ошириш ҳам долзарб вазифа этиб белгиланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 5 минг 377 та ҳўжалик субъектида текшириш олиб борилиб, унинг 3 минг 637 тасида молиявий-иқтисодий қонунқоидалар бузилганлиги аниқланди.

## ТАЛАБАЛАРАҲДИ

Миллий матбуот марказида БМТнинг гиёҳвандлик ва ОИТС бўйича Ўзбекистондаги дастури ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида талабалар ўртасида ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги олий ўқув юрталари ва ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари қатнашган тадбирда талабалар ўртасида ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш, айрим ёшларнинг билиб-билмай турли бузғунчи гоёлар тасвирига тушиб қолишининг олдини олиш, бу борда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати жойлардаги етакчиларининг вазибалари ҳақида гап борди.

(ЎЗА)

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ТАЙЁРГАРЛИК КўРИЛМОҚДА

Франция ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин «Монд» газетаси муҳбири билан қилган суҳбатида Афғонистонда тартиб-интизомни сақлаш учун тезроқ халқаро тинчликпарвар кучларни киритиш лозимлигини таъкидлади. Бу кучлар, энг аввало, фуқаролар, шахар ва аэропортлар хавфсизлигини таъминлаш лозим, деди у. Хабарларга қўра, Франция ҳам Афғонистонда олиб борилаётган ҳарбий операцияларда иштирок этиш ниятидадир. Айни пайтда бу ерда Мозори-Шариф ҳудудига Франция қўшинларини жўнатиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

### ТОЛИБЛАР МУШКУЛ АҲВОЛДА

Покистон президенти Парвез Мушарраф АҚШ ва Буюк Британия раҳбарлигига мурожаат қилиб, Афғонистонга тезроқ тинчликпарвар ҳарбий кучларни киритишга чакирди. Афғонистонда янги ички моҳжаро бошланиши хавфи пайдо бўлмоқда, халқаро кучлар тезроқ ушбу ҳавфнинг олдини олиши керак, деди у. Шу орада Афғонистоннинг шимолий-шарқий қисмидаги Кундуз шаҳрида қуршовда қолган толибларнинг аҳволи ниҳоятда мушкуллашди. Шу боис уларнинг кўмондони мулло Додулло Шимолий Иттифоқ ҳарбийлари билан музокарага киришиб, агар ўз жангариларининг ҳаёти сақлаб қолинса, уларнинг хавфсизлиги таъминланса ҳамда жанубий ҳудудларга ўтиш имконияти яратилса, шахарни жангсиз топшириш ниятида эканлигини билдирди.

### «ГУРУҲ-20» АНЖУМАНИ

Канадада «Гуруҳ-20» деб аталган уюшмага аъзо бўлган давлатлар молия вазирлари ҳамда марказий банклари раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Икки кун давом этган ушбу анжуманда террорчиликка қарши кураш, молиявий инқирозларни ўзаро ҳамкорлиқда бартараф этиш ҳамда интеграциялашув жараёнларини янада тезлаштириш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама этилди.

### БУГУН БОЛГАРИЯДА

«Ишонч»нинг ўтган сонларида Болгарияда президент сайловлари бўлиб ўтganлигини ва унда давogarларнинг биронтаси ҳам галаба қила олмаганлигини хабар қилган эдик. Айтганимиздек, куникеча президент сайловларининг иккинчи босқичи ўтказилди. Унда социалистик партия раҳнамоси Георгий Парвановнинг қўли баланд келганлиги маълум бўлди. Унинг рақиби амалдаги президент — Петер Стоянов ўзининг мағлуб бўлганлигини тан олди.

Г.Парванов ёш бўлишига қарамай анча уста сиёсатчи ҳисобланади. У ўзининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан қилган суҳбатида «Бутун Болгария ва болгарларнинг президенти бўламан» деб ваъда берди. Шунингдек, у истиқболда ташқи сиёсатда НАТОга интеграциялашув, шунингдек, Россия ва Украина билан муносабатларини янги поғонага кўтариш хусусида гапирди.

### ПРЕЗИДЕНТ

### МАСЛАҲАТЧИСИ БАЁНОТИ

АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс баёнот бериб, ўз мамлакатининг 1972 йилдаги ракета ҳужумидан химоя шартномасидан чиқши яқин эканлигини билдирди. Унинг гапларига қараганда, Американинг ракеталардан химояланиш янги тизимаси шундай йўл тутишни тақозо этмоқда. К.Райс ҳар қандай вазиятда ҳам АҚШ ракета ҳужумидан химоя шартномасидан чиқади. Бироқ, президент Ж.Буш маъмурияти бу ҳақда Россияни ярим йил аввал хабардор этади, деди.

### ГИЁҲВАНД МОДДА МУСОДАРА ЭТИЛДИ

Тожикистон гиёҳванд моддаларни назорат қилиш агентлиги томонидан сўнгги тўққиз ой мобайнида 700 килограмм гиёҳванд модда мусодара қилинганлиги ошқор этилди. Маълумотларга қараганда, жорий йилда 108 киши гиёҳванд модда билан қўлга тушиб, ҳибсога олинган. Мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари, шунингдек, Россия чегарачилари хизматларини ҳам қўшганда жорий йилда жами 6,5 тонна наркотик модда мусодара қилинган.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Р.УМАРОВ тайёрлади.

## Касаба уюшма тармоқ қўмиталарида

Тизимдаги 60 га яқин корхона ва ташкилотларда қарийб 45 минг нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилмоқда. Уларнинг 30 фоиздан ортиғи хотин-қизлардир.

## КОРХОНА АЁЛЛАРИ

уларга қандай имтиёзлар яратилган

Тармоқ корхоналарида ишлаётган аёллар меҳнат шароитининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномаларида аёлларга қўшимча имтиёзлар ва қўлайликлар яратиш, меҳнатларини муҳофазалаш, саломатликларини мустаҳкамлаш сингари ижтимоий ҳимоянинг 30 дан зиёд тури кўзда тутилган. «Оналар ва бо-

лалар йили» муносабати билан жамоа шартномаларида белгиланган тадбирлар қайта кўриб чиқилиб, бир қатор ўзгаришлар билан тўлдирилди. Масалан, жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида тармоқ бўйича 2495 нафар хотин-қизга иш ҳақи сақланган ҳолда муддати 3 кундан 30 кунгача бўлган қўшимча таътиллар берилди. 46 нафар

аёлга эса муддатидан илгари имтиёзли пенсия тайинланди. Корхона ва ташкилотлар ҳисобидан

фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 840 нафар онага 4 миллион сўмга яқин нафақа ва моддий ёрдам пуллари ажратилди.

Ишловчи аёллар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари, айниқса тармоқдаги «Аммофос», «Электркимёсанов-

ат», «Ўзбекгеофизика», «Ўзнефтегазмаш», Янги-Ангрен иссиқлик электр станцияси каби корхона ва бирлашмаларда намунали олиб борилмоқда. Мазкур корхоналар касаба уюшма қўмиталари иш берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий тенг шерикчилик асосида фаолият юритмоқдалар. Бу ҳолат меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни яратибгина қолмай, балки ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш барқарорлигини таъминламоқда.

(Давоми 2-бетда).

Газетамизнинг шу йил 26 октябр сонисида «Кўпқаватли уйлар мавсумга шайми?» сарлавҳаси билан чоп этилган мақолада Гулистон шаҳридаги бир қанча уй-жой ширкатлари фаолиятида қишга тайёргарлик сезилмаётгани ва бунинг оқибатида аксарияти айирим ертўлаларда муттасил сув босишидан қувурлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолгани ва бошқа муаммолар танқид остига олинган эди. Мазкур мақола юзасидан тахририятимизга йўлланган жавобда шундай дейилади:

— Гулистон шаҳар ҳокимлиги мутасадди ташкилотлар, маҳалла қўмиталари ва уй-жой ширкатлари раҳбарлари иштирокида газета чиқишида таъкидланган камчиликларни атрофлича ўрганиб чиқди ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Вилоят ҳамда шаҳар ҳокимликларининг қишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ, қуйидаги юмушлар амалга оширилди:

## ТАНҚИДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

Шаҳар соғлиқни сақлаш муассасалари бўйича: тез тиббий ёрдам бўлимига иссиқлик трасасини янгилаштириш учун тегишли қувурлар ажратилди. Вилоят болалар шифохонаси иситиш тармоғи янгилаштирилди.

Шаҳар ҳокимлигининг ишлари ниҳоясига етказилди. Гулистон шаҳрини 2,3,4-мавзёларидаги мавжуд 216 та кўп қаватли уйнинг 181 таси қишга тайёрлаб қўйилди. 35 тасида сўнгги таъмир юмушлари кетмоқда. Шаҳар ҳокимлигининг

## «Ишонч»га жавоб берадилар

ташаббуси билан қишқи мавсумни рисоладагидек ўтказиш мақсадида уй-жой мулкдорлар ширкатига хомий ташкилотлар бирктиби қўйилди. Бу тадбир ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самарасини бераётир. Жумладан, шаҳар газ идораси, механика заводи, «Махсустаъмир»,

вилоят матбуот савдо ҳиссадорлик жамияти хомийлигида 1000 метрга яқин қувурлар харид қилиниб, уй-жой ширкатлари ихтиёрига топширилди.

Кўп қаватли уйлар ертўла қисмида тўпланиб қолган сувларни тортиб олишда юқоридаги ташкилотлар ҳисобидан туҳфа этилган 5 та сув насоси жуда кўл келмоқда.

Гулистонда ўтган йилги мавсумда 98 та кўп қаватли уй иссиқлик таъминотидан бебаҳра бўлган бўлса, жорий йилда 306 та уйдан 258 таси қишга тайёр ҳолга келтирилди. Қолган 48 та уйда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳадемай ниҳоясига етказилади.

А.АБДУРАҲМОНОВ, Гулистон шаҳар ҳокими ўринбосари.

## ОЛИС ЯЙЛОВЛАРДА ИККИ КУН

Қорақалпоғистон Республикасида етакчи мутахассис ва олимплардан тузилган махсус гуруҳ Беруний, Элликқалъа ва Тахтақўпир туманининг олис яйловларида бўлди. Гуруҳ икки кун мобайнида Қизилқум саҳросида меҳнат қилаётган чўпонларнинг яшаш шароити, қорақўлчиликка ихтисослашган ширкат ҳўжаликларининг бугунги аҳволи, қишлоғга тайёргарлик жараёни билан танишди.

Айни пайтда Қорақалпоғистонда 140 мингдан ортиқ қўй-қўзи боқилмоқда. Йилчилик ҳамда туячиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Сув тақчиллигини тугатиш мақсадида олис яйловларда қудуқлар қазиб, мавжудларини таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида бу ишни бажаришда 20 миллион сўм сарфланиб, 20 га яқин артезиан қудуқ қайта таъмирланди.

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

Навоий шаҳрида болаларни соғломлаштириш марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. У нодавлат, нотижорат хайрия ташкилоти бўлиб, болалар богчаси базасида ташкил этилди. Бу ердаги саранжом-саристалик, иш режими, машғулот хоналари, бассейн тарбияланувчилар учун намунали хизмат кўрсатмоқда. Ана шундай марказлар Қизилтепа ва Навоий туманларида ҳам ўз фаолиятини бошлади.

(ЎЗА).

Касаба уюшма сўхатгоҳларида

# ЖОНҚА ГУЖУМИ

ёки

## «Она ва бола» санаторийси қурилишининг биринчи босқичи поёнига етмоқда

**Туман марказидан сал юрсангиз, маҳобатли бинога кўзингиз тушади. Чор атрофда машиналар, тракторлар, кўтарма кранлар гуҷина. Бир неча қурилиш ташкилотлардан келиб ишлаётган бунёдкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кимлардир машинадан цемент туширяпти, кимлардир ётоқхона деворларини сўнгги пардоздан чиқаряпти ва яна кимлардир даволаш мажмуи деразаларини яшил рангга бўяяпти. Хуллас, бу ерда бўш турган одам йўқ.**

Гап йирк қурилиш иншоотларидан бири — Хонқадаги «Она ва бола» санаторийси ҳақида борапти. — Қурилишининг биринчи босқичини республикамиз Конституцияси қунига тугаллаш режалаштирилган, - дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рустам Тўраев. — Айни кунларда иншоотни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш учун 400 нафар бунёдкор икки сменада меҳнат қилиб, иш суръатга суръат қўшмоқда. Фақат октябр ойи учун 64 миллион сўмлик маблағ (шундан 24 миллион сўмлик қурилиш материаллари) ажратилиб, тўла ўзлаштирилганлиги бўлғуси шифо масканига нечоғли катта аҳамият берилганидан далолатдир. Бунда айникса, бош пудратчи — 288-механизациялашган кўма жамланма бунёдкорлари жонбозлик кўрсатишаётди.

Дарҳақиқат, шундай. Улкан қурилиш майдонидан кўтаринки руҳ ҳукмрон. Кетма-кет келиб турган машиналардан тиббий асбоб-ускуналар, хона ҳамда ошхона жиҳозлари, юмшоқ ва қаттиқ металллар пешма-пеш тушириб олинадир. Ушбу манзаранин гувоҳи бўлган ҳар бир киши кўнглидан: «Саломатлик маскани ҳадемай фойдаланишга топширилган экан-да» деган ўй ўтиши табиий. Сўхатгоҳ бош шифокор тайинланганлиги ҳам бу фикрнинг тасдиқлариди. У билан мулоқотимиз ортиқча тақаллуфсиз, расмийликсиз қурилиш майдони бир чеккасида кечди. — Санаторийнинг айнан шу жойда қурилатганининг сабаби бу ерда Трусковец маъданли суғига тенг неъматнинг мавжудлигидир, - деди Шўхрат Собиров. — У ўт пурғи йўллари, буйрак, аолиортрит, острехандроз каби хасталиқларни даволашда жуда асқотади. Бундан ташқари Жиззахдан табиий балчиқ олиб келинади. Игна билан даволаш, физиотерапия, ўқалаш каби ўнга яқин бўлим фаолият кўрсатади. Беморларга ташхис қўядиган ва уларни даволашда қўлланадиган тиббий ускуна ҳамда компьютерлар келтириб қўйилди. Сўхатгоҳ биринчи босқичида 125 нафар она-болани сўнгги фан ютуқлар асосида даволаш бошлайди. Қурилиш тўла ниятига етказилган, бу кўрсаткич икки баробарга ортади.

Бош шифокор билан бўлган сўхатимиздан шу нарсга ойдинлашдики, ошхона ҳозирнинг ўзидаёқ 250 хўрандани қабул қила оладиган даражага келтирилиб қуриляпти. Биринчи босқичда 16-17 нафар шифокор ишга жалб этилса, сўхатгоҳ тўла барпо қилингандан сўнг жами 150 нафар тиббиёт ходими янги иш ўрнига эга бўлади.

Барпо этилиб, ўринлар сони 125 тага етказилади. Қўшиб олинган боғ ҳисобига сўхатгоҳ ҳудуди 22 гектардан ошади. Бунинг яна бир фойдали жиҳати шундаки, ёзининг жазирама кунларида даволанишга келганлар мазкур боғ салқин ҳавосидан баҳраманд бўладилар.

Ана шу манзарани кузатиб, «Она ва бола» санаторийси беркорга бу ерда қурилмаётганига ишонч ҳосил қиласан, киши. Дарвоқе, масаланинг яна энг муҳим томонини ҳам эсдан чиқармаслик жоиз. У ҳам бўлса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 июнидаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофазга қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақлиблиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида»ги қарориди Оролбўйи ҳудудида тиббиёт муассасалари, шифохоналар бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилиши эди. Хонқадаги янги санаторийнинг тез суръатлар билан бунёд этилаётгани ҳам худди ана шу қарордан келиб чиқадиган вазифаларни амалиётга татибқ этилаётганидан нишондир. Ҳукуматимиз қарориди Урганч шаҳридаги виллоят болалар шифохонасини реконструкция қилиш учун тегишли маблағ ажратилиши хусусида ҳам гап бориши келажакимиз бўлган — фарзандларимиз соғлигини муҳофазга қилиш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим масала эканлигидан далолат беради...

Иншоотнинг иккинчи қаватига кўтарилганимизда сал нарида баргилар олтун рангга айланган Машариф ака асос солган ва унга эришган инсонни эъозлаб эслаш ҳам савоб эканлигини ҳис қилади. Эндиликда ана шу сўлим гўша ишга тушажак санаторий тасарруфига ўтказилиб, қайта таъмирланади, қўшимча хоналар

барпо этилиб, ўринлар сони 125 тага етказилади. Қўшиб олинган боғ ҳисобига сўхатгоҳ ҳудуди 22 гектардан ошади. Бунинг яна бир фойдали жиҳати шундаки, ёзининг жазирама кунларида даволанишга келганлар мазкур боғ салқин ҳавосидан баҳраманд бўладилар.

Иншоотнинг иккинчи қаватига кўтарилганимизда сал нарида баргилар олтун рангга айланган Машариф ака асос солган ва унга эришган инсонни эъозлаб эслаш ҳам савоб эканлигини ҳис қилади. Эндиликда ана шу сўлим гўша ишга тушажак санаторий тасарруфига ўтказилиб, қайта таъмирланади, қўшимча хоналар

Иншоотнинг иккинчи қаватига кўтарилганимизда сал нарида баргилар олтун рангга айланган Машариф ака асос солган ва унга эришган инсонни эъозлаб эслаш ҳам савоб эканлигини ҳис қилади. Эндиликда ана шу сўлим гўша ишга тушажак санаторий тасарруфига ўтказилиб, қайта таъмирланади, қўшимча хоналар

**Абдунаби МАННОПОВ, Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбирлари.**

Қўкон мотор таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти қишлоқ хўжалиги машиналари учун 40 дан зиёд эҳтиёт қисмлар етказиб беради. Мазкур жамоа мутахассислари ижодий изланиб, ҳайдовчилар учун янги қўлайликлар яратмоқдалар.

Яқинда бу ерда хўжалик чиқиндиларини ташувчи машина махсус юмушлар учун мослаштирилди. Натижада фаолият доирасида вақтни тежаш билан бирга, сарф-харажатларни ҳам камайтиришга эришилди.

**Суратда: ихтирочи, техника фанлари номзоди Шарифжон Йўлдошев, ҳиссадорлик жамияти раиси Равшан Сайдалиев, конструктор Анвар Халилов, ишчи Мадаминжон Мамажонов.**

**Б.ХАМРОКУЛОВ олган сурат.**



# КОРХОНА АЁЛЛАРИ

## уларга қандай имтиёзлар яратилган

**(Боши 1-бетда).** Жамоа шартномалари доирасида аёллар ва 30 ёшгача бўлган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда бошқаришдаги фаолликларини ошириш борасида Чирчиқдаги «Электромасаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилган тадбирлар диққатга сазовордир.

Ушбу корхонада 2371 нафар аёл ва 1436 нафар ёшлар меҳнат қиладилар. Бу жами ишловчиларнинг ярмидан кўпи демокдир. Иш берувчилар ва касаба уюшма кўмитаси маблағлари ҳисобидан уларнинг 260 нафарига жорий йилнинг 1 октябрга бугунча даврда қарийб 800 минг сўмлик моддий ёрдам пули берилди. Шунингдек, санаторий-профилакторий ва дам олиш масканларида имтиёзли 750 нафар она ўзи саломатлигини тиклади.

Ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ҳар йили ва эътибори тўғрисида жорий йилда 34 нафар ёшнинг олий ва ўрта махсус ўқув юрталаридаги қиришга муваффақ бўлиди. 100 га яқин талаба эса корхона томонидан контракт асосида ўқитилмоқда.

Эги соғломлаштириш мавсумида меҳнаткашларнинг 2000 нафардан зиёд фарзанди бирлашмага қарашли «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олдилар. Ҳар бири йўллангани ўртача нархи 30 минг сўм бўлган ҳолда, она-оналар унинг атиги 5 фоизинигина тўладилар. Бундан ташқари, Оролбўйи минтақасида яшовчи 550 нафар ўғил-қиз мазкур бирлашма оталигидаги оромгоҳда саломатлигини мустаҳкамлади. Бу каби тадбирларни амалга оширишда Тошкент вилоят тармоқ ва бирлашма касаба уюшма ташкилотларининг ҳиссалари катта бўлди.

Бозор иқтисоди шароитида хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, ишсизликдан муҳофазга этиш энг долзарб масалалардан биридир. Шу боис, жамоа шартномаларида корхоналар тугатилиши, мулкдор ўзгариши, иш ўринлари ва лавозимлар қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиш ҳолатларида устунлик фарзанди ёш ва кўп болали оналарга ҳамда ёш мутахассисларга берилиши акс эттирилган. Аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида тармоқ корхоналари ва маҳаллий меҳнат идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Натижада жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 35 нафар аёл ва 48 нафар ёш йигит-қиз бандлик хизмати идоралари кўмаги билан ишга жойлаштирилди.

Виллоят ҳудудидаги тармоқ корхона ва бирлашмаларда меҳнаткаш аёллар ҳамда ёш кадрлар ўртасида ҳуқуқий, маданий, маънавий ишларни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини оши-

риш, саводхонлигини ўстириш, дунёқарабини кенгайтириш, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор қилиш ва ҳушёрлигини ошириш, турли ёт оқимлар таъсиридан сақлаш масалалари ҳам касаба уюшма ташкилотлари ҳамда фаолларнинг долзарб ва муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу тоифадаги меҳнаткашларга нисбатан амалдаги қонунчиликда ва жамоа шартномаларида белгиланган қўшимча имтиёзларнинг қўлланилиши ҳамда амал қилишини виллоят тармоқ кўмитасида ташкил этилган «Меҳнаткаш аёллар муаммоларини ўрганиш» ишчи гуруҳи доимий назорат қилади. Жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ушбу гуруҳ бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда. Ишчи гуруҳи ҳамда меҳнат жамоаларида тузилган Хотин-қизлар кенгашилари томонидан доимий равишда семинар ва ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Бу хотин-қизларни ва ёшларни жамоат ишларига, маданий-маънавий тадбирларга кенгроқ жалб этишга, уларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини яхши тушуниб етишларига кўмак бормоқда.

Кези келганда ишчи гуруҳи ҳуқуқи поймол этилган меҳнаткашларни ҳимоя қилмоқда. Масалан, «Востокэнерго-теплоэлектростанция» очик турдаги акциядорлик жамиятида кўп йиллардан бери ишлаган ва шу ерда меҳнат ногирони бўлиб қолган Ф.Александрова Россия Федерациясига қўчиб кетганидан сўнг, унга тегишли бўлган ногиронлик нафақаси ва соғлиққа етказилган товон пули 1999-2000 йиллар мобайнида тўланмаган. Виллоят кўмитаси томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида йўл қўйилган камчиликлар бартараф қилинди.

Яна бир мисол: юқори касаба уюшма идоралари ҳамда виллоят кўмитаси томонидан меҳнаткаш манфаатини ҳимоялаш мақсадида берилган давро аризага биноан, Ангрэндаги «Кўмирқурилиш» ҳиссадорлик жамиятидан ноқонуний равишда ишдан бўшатирилган М.Исроилова шахар судининг қарорига асосан лавозимига қайта тикланди.

Тошкент вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидаги камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди. Меҳнаткаш аёлларни ва ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш касаба уюшма ташкилотларининг энг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдувоҳид АХМЕДОВ, Тошкент вилоят ёқилги-энергетика, геология ва кимё санвати ходимлари касаба уюшма кўмитаси бўлим мудир.**

## «Ишонч» бонг уради

ётибди. Тош-у тарозилар носоз. 16-дўкон сотувчиси Раҳматилло Рўзиев, «Дунёни сув босса, ўрдакка не

лограмми тошдан 25 грамм «чап» қилишни унутмабди. 10-дўкон мудир Рўзайой Бобобекова ўрнига қизи Санобар (мақтаб ўқувчиси) савдо қилмоқда. Дўконда назорат касаси йўқ. Тарози занг босиб, тош ўрнида гантелдан фойдаланилмоқда. Умуман жамият фаолияти билан танишиб, кўнглимиз хуфтон бўлди. Шўрчидек санвати ривожланган туманда санитария эпидемиология станцияси раҳбарлари, туман ҳокимлиги мутасаддилари бу нохуш воқеалардан наҳотки беҳабар бўлишса?

**Болта МУСАЕВ, Сурхондарё виллоят стандартлаш, метрология, сертификатлаш маркази инспектори. Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.**

## МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида жойларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларни янада тақомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Марказ раҳбари А.Болиев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда жорий йил - Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган муносабати билан тузилган маърифий тадбирлар дастурининг бажарилиши, хусусан, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасидаги «Миллий истиқлол гоғси ва маънавият асослари фани энг яхши ўқитувчиси» қўриқ-танлови қандай ўтаётгани атрафлича тақли этилди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларининг фаолиятини, улар олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада «Истеъдодли ёшлар», «Ёш олимлар», «Ёш ҳуқуқшунослар», «Ота-оналар университети», «Ёш мафкурачилар» клублари яхши самара бермоқда.

Йиғилишда Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари «Маънавият ва маърифат» марказлари ташаббуси билан ташкил этилган «Энг фалол кутубхона», «Онам билан бирга китоб ўқиймиз» танловлари, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ўтказилган бахшилар кўригини бошқа жойларда ҳам омаллаштириш юзасидан тавсиялар берилди. **(У.А.)**

## МИЖОЗЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Бухоро виллоятида «Пахтабанк»нинг минибанклари шу йил охирига қадар еттига етади. Бу ҳақда «Туркистон-пресс» мухбирига банкнинг виллоят бошқармаси бошлигининг ўринбосари Жўрабой Розиков айтди.

«Хозир Пешку, Когон ва Ромитан туманларида бешта минибанкмиз ишлаб турибди, - деди Жўрабой Розиков. - Банк шахобчалари замонавий асбоб-ускуналар ва компьютер техникаси билан тўлиқ жиҳозланган. Бу барча молиявий ишларни бир неча сонияда тезкорлик билан бажариш имконини берапти.

Ўринбосар аҳоли зич яшаётган катта қишлоқларда бундай минибанклари очилишини афзал жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Аввало бу хайрли иш аҳоли бўш маблағларини омонатларга жабл этиш учун ўнғай. Бундан ташқари мижоз арзиманган пулни ўтказиш ёки бирор молиявий рақамни аниқлаш учун 30-40 километр йўл босиб туман марказига бориб ўтирмайди. Минибанк орқали барча ишларини битираверади. Шу орқали ҳам вақт, ҳам маблағ тежаллади.

**«Туркистон-пресс»**

## «Кўштегирмон» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти туманининг салкам 30 минг аҳолисига хизмат кўрсатади. Бу жамиятда айни кунда амалга оширилаётган ва аҳоли эҳтиёжи учун биринчи навбатда зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти ва сотилиши билан қизиқиб, дўконларни кўздан кечирдик.

Бизга ҳамроҳлик қилган жамият раиси ўринбосари Зиёдулла Бобоев билан 19-дўконга ташриф буюрганимизда мудар Рустам Муроталиев ўрнида умр йўлдоши Қирмиз Тангиrowа савдо қиладиган экан. Суриштирувимиз натижасида у тиббий қўриқдан ўтмаган, савдо қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги маълум бўлди. Дўкон пештахтасидан жой олган «Орзу» ароғи, макарон маҳсулотлари, кўк чой ва гугуртнинг нархи ёзиб қўйилмаган. Бунинг устига сотувчи назорат касса машинасини ишлатолмас экан. Ачинарлиси, машина туман давлат солиқ инспекциясини рўйхатдан ўтказилган бўлса-да, бироқ мухрлаш солиқчилар

«ёди»дан кўтарилган. Бу ерда ҳам тарози тошлари белгиланган меъёрлардан кам. Мавжуд тарозининг 3 та шайинси йўқ. Аҳоли учун зарур бўлган ун, ўсимлик мойи сотувда йўқ, 20-дўконда бўлганимиз-

## «ҚЎШТЕГИРМОН» ДЎКОНЛАРИДАГИ БОШБОШДОҚЛИК

да хунук манзарага дуч келдик. Дўкон ўргимчака тўлиб кетганди. Чор атроф ифлос. Бирорта ҳам маҳсулот нархи ёзиб қўйилмаган. Назорат касса машинаси бузуқ. Туз, ун маҳсулотлари — бу дўконда ҳам йўқ. Хуллас, шу ердаги аҳоли мудар Уктам Нормуродов фаолиятдан норози эканини билиб олдик. Туманининг «Талли» ширкат хўжалиги «Гулис-

ев) шакар, чой, қандолат маҳсулотлари захираси ерда чанг босиб ётибди. Ёнгина қарши мосламасига эга бўлмаган дўконда (мудир Холмат Жума-

## РАҒБАТ

Навоий туман «Маданият» ширкат хўжалиги бошқаруви ҳамда касаба уюшма кўмитаси «Оналар ва болалар йили» муносабати билан жамоат ишларида фаол ва аълочи 13 ўқувчига оғига минг сўмдан стипендия ташкил этди. Шунингдек, кам даромадли оилаларнинг фарзандларига 125 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Моддий техника базасини яхшилаш, уларни ўзлари ишлаб маблағ топишга йўнатилиш мақсадида 2 та мактабга 1,5 гектар ер майдони ажратилди. 25-мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. Фақат бугина эмас. Ҳўжалик маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ишловчиларнинг сўхатгоҳларга бепул давола-нишлари учун муайян миқдорда маблағ ажратмоқда. Зарарли ишда ишловчи уста, чилангарлар, чигит ивтувчиларга сўт-қатқ ҳамда ҳимоя кийимлари берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшма кўмитаси ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга доимий ёрдам кўрсатмоқда. Буни, боқувчисини йўқотган Шаҳло Акрамова оиласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Умуман эз мавсумида меҳнаткашларнинг 50 нафар фарзандлари турли оромгоҳлар бағрида дам олдирилди.

## «ҚҮЁШЖОН» ГОЛИБ

22-«Қуёшжон» болалар бочғаси «Соғломжон-полвонжон» мусобақасида виллоятда биринчи ўринни олиб, республика босқичига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Буни таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Навоий тумани кўмитаси мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида спорт мусобақалари, илмий-амалий тадбирларни ўтказишга катта эътибор қаратаётганининг самараси деб қараш мумкин. Жумладан, «Йил ўқувчиси», «Йил тарбиячиси» кўрик-танловлари ҳамда Ўқитувчилар кўни муносабати билан ўтказилган тадбирлар учун 200 минг сўм маблағ сарфланди. Ўқитувчилар ўртасида спорт мусобақалари ўтказишга 100 минг сўм ажратилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 60 минг сўмлик совға-салом улашилди. Касаба уюшма кўмитасининг корхона, ташкилот, хўжаликлар билан алоқаси тобора кенгайиб бормоқда. Масалан, Раҳим Исмоилов номли фермер хўжалик уюшмаси «Ҳазора» ширкат хўжалигидаги мактабларга 500 минг сўм ёрдам кўрсатди. «Дўстлик» агрофирмаси тумандаги 24-мактаб қурилишига, 2-мактаб таъмирлаш ишларига бош-қош бўлди ҳамда ноҳор оилаларнинг фарзандларига 150 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳада қилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман кўмитаси тармоқда меҳнат қонунларининг ижросига ҳам қатъий эътибор қаратмоқда. **Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

**Йўл қуришни хақиқий қахрамонлик, деса бўлади. Чунки йўлсозлар иши анча мураккабдир. Айниқса, ёзнинг жазирама иссиғида, устига-устак «ёнай» деб турган асфальт ховурида кун бўйи ишлашнинг ўзи бўлмайди. Қишнинг изгири кунларида ҳам улар ҳаракат хавфсизлиги тадбирларини амалга оширадидлар. Бошқача айтганда, йўлсозлар**

**йилнинг тўрт фаслида фидойиларча меҳнат қиладилар. Зеро, йўл ва кўприклар қуриш, одамларнинг узоғини яқин қилиш энг катта савоб ишлардан биридир. Шу боис ушбу саҳифамизда «Бухороавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг шу кунлардаги шарафли меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилмади.**

**Қахрамонлар орамизда**

рий йилнинг ўтган тўққиз ойи ичида белгиланган 897 километр ўрнига 919 километр йўл таъмирланиб, бу борадаги режа 102 фоизга адо этилди. Мавжуд пиёдалар йўлқаларини таъмирлаш ва қуриш эса 104 фоизни ташкил қилди. Ўтган

хизматчилар томонидан нафақат йўл қуриш ва таъмирлаш, балки ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят бўйича 146 та йўл ташмалари ободонлаштирилди. 86 мингдан зиёд дарахт ниҳоллари ўтказилди. Шундан 76 минг 300 таси манзарали, қолгани мевали дарахтлардир. Бунга ҳаммаси бўлиб 20 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланди.

Бирлашмада дебитор ва кредитор қарзларни камайитириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида иш олиб борилди. Натижада, дебитор ва кредитор қарзлар шу йилнинг биринчи январь ҳолатига нисбатан анча камайди.



**«БУХОРОАВТОЙЎЛ» ФИДОЙИЛАРИ**

— Бухоро шаҳри ва вилояти тарихий обидалар, ёдгорликлар, зиёратгоҳ ва бошқа диққатга сазовор жойларга бой, — дейди бирлашма бошқаруви раиси Аҳрор Ҳасанов. — Шунинг учун ҳам бу ерга келаётган сайёҳларнинг кети узилмайди. Улар тарихий обидаларни томоша қилиш билан бирга йўлларимизга ҳам баҳо бериб кетадилар.

Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, бизнинг вазиғамиз сайёҳлар юрадиган йўлларни жаҳон андозалари талаби даражасида таъмирлаб, сақлашдан иборатдир. Бунда ҳукуратимиз ва «Ўзавтойўл» концерни яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Натижада ўтган ўн йил ичида қанчадан-қанча йўллар қайта таъмирланиб, ҳозирги замон талаблари даражасига яқинлаштирилди. Янгилари қурилди.

Умуман олганда, жодавр ичида 2,5 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилиб, 12 фоиз рентабелликка эришилди. Бундан ташқари 21 та бекат янгитдан қурилиб, 78 таси қайта таъмирланди. Йўл қатнов қисмини белгилаш режаси эса 184 фоизга етказилди.

Айни кунларда ишчи-

**ФАХРИЙЛАР "СИТОРАИ МОҲИ ХОСА"ДА**

— Маъмурият ва касаба уюшма кўмитамизга раҳмат, — дейди Бухоро автомобил йўллардан фойдаланиш бошқармасининг собиқ ишчиси Ҳамро Нарзиев. — Шу қорхонада қирқ йил ишлаб, пенсияга чиққанман. Ёшинг бир жойга бориб қолгандан кейин соғлигинг тўғрисида ўйлаб қоларкансан, киши. Шу боис касаба уюшмасига ариза ёзиб кирдим. Унинг раиси Музаффар Файзиев мени илиқ кутиб олди ва Бухоро шаҳрида жойлашган «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсига йўлланма берди. Мен у ерда дам олиб, соғлигимни тиклаб қайтдим. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қилаяпман.

Дарҳақиқат, юқоридаги қорхонада ишларни амалга оширмоқда. Бухоро шаҳар Файзулло Ҳўжаев туманидаги 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нозима Иброҳимова иқтидорли ёшлардан. Лекин, у буваси билан яшайди ва кам таъминланган оилалардан ҳисобланади. Қорхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси бунга эътиборга олиб, унга 20 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатди. Нозима бу пулга ўқув қуроллари ва бошқа камчиликларини бутлаб олди.

Бошқармада «Оналар ва болалар» йили муносабати билан ишловчи хотин-қизларнинг 18 нафарига 90 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уларга жамоа шартномасига асосан бир қатор бошқа имтиёзлар белги-

ланганки, ҳозирда бундан самарали фойдаланилмоқда. Ходимларга меҳнат таътилига чиқиш олдидан ажратилган моддий ёрдам эса шу кунгача 770 минг сўмдан ошиб кетди.

Бу ерда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган давр ичида техника хавфсизлигига 529 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, кўзда тутилган тадбирларнинг ҳаммаси бажарилишига эришилди. Ишчиларни махсус кийимлар билан таъминлашга эса 455 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

**БОШҚАРМАНИНГ ЁРДАМЧИ ЦЕХИ**

**Ромитан автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бирлашманинг энг йирик қорхоналаридан бири ҳисобланади. Бошқарма ҳаммаси бўлиб 426 километр йўлга хизмат кўрсатади. Шундан 124 километри республика, 102 километри вилоят ва 200 километри маҳаллий аҳамиятга эга йўллардир.**

Жорий йилнинг ўтган даврида 109 километр йўлни тўла ва ўрта таъмирлаш режалаштирилган эди. Амалда эса бу топшириқ 111 километрга бажарилди. Бунга салкам 259 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ҳарасизлигини бўйича ҳам бирмунча ишлар қилинди. Янги йўл белгиларини ўрнатиш, кўприк ва қуруларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, пиёдалар йўлқалари, автобус-бекатларини қуриш, қайта таъмирлаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бошқармада ёрдамчи цехлар мавжуд бўлиб, унда оғохлантирувчи устунчалар, блоклар, лотоклар, йўл бордюрулари, тўсиқчалар, асфальт каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Масалан, бу ерда ўтган 9 ой ичида 10 минг 300 тонна совуқ асфальт-бетон маҳсулоти тайёрланди. 344 метр куб ҳар хил ҳажмдаги темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 7 гектар ёрдамчи хўжаликка бугдой экилиб, 16,3 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Бунинг бир қисми ишчи-хизматчиларга арзон нархларда бўлиб берилди. Қолгани эса давлатга сотилди.



**БУ КУН ТАРИХДА ҚОЛАДИ**

Мазкур бошқарма ишчилари кўплаб кўрсаткичлар бўйича режаларини ошириб бажаришди. Бунда Д.Ҳайитов, Б.Зойиров, А.Ҳотамов, Э.Тўхтаев, И.Болтаев, Б.Самадов, А.Ҳафизов, А.Мирзаев каби ишчи-хизматчиларнинг ҳиссалари катта. Натижада ўтган 9 ойни 19 миллион 543 минг сўм соф фойда билан якунлашди. Бу эса ўз навбатида уларнинг моддий манфаатдорлигини оширди. Мисол учун бошқармада 164 киши ишлагани ҳолда, уларнинг ўртача ойлик маоши 25 минг сўмдан зиёддир. Олинган фойда ҳисобидан тушлик овқат пулига 3 миллион сўмга яқини сарфланди. Моддий ёрдамга 1 миллион 205 минг сўм ажратилди. Яна 3 миллион сўмга яқин пул эса ишчилар рағбатлантирилишига ишлатилди. Наврўз, Мустақиллик ва бошқа байрамлар ҳам бошқармада муносиб нишонланди. Яъни ана шу тантаналар арафасида 733 минг сўм пул ходимларга мукофот тариқасида берилди.

Бошқарма ва касаба уюшма кўмитаси ўртасидаги 2001 йил учун қабул қилинган жамоа шартномаси шартларини бажариш ишларида ҳам ижобий силжишлар бор. Унга асосан қорхона олинган фойда ҳисобидан биринчи навбатда ишлаб чиқаришни янги технологиялар асосида ривожлантириб боришга, барча жамоа аъзолари ва уларнинг оилаларини моддий рағбатлантиришга сарфламоқда. Масалан, шу кунгача ишчи-хизматчилардан 88 нафарига 808 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу эса ўз навбатида уларнинг меҳнат

таътилида соғлиқларини тиклаш имкониятини яратди. Бошқармада ишчиларга ойлик маошлар, йўл, овқат, мукофот пуллари шартномада кўрсатилган муддатларда тўлаб берилмоқда. Бундан ташқари, шартнома шартларига асосан жамоа аъзоларини таъминлаш, ишлаб чи-

қариш илгорлари ва меҳнат фахрийлари «Чинобод» ҳамда «Оқтош» сихатгоҳла-

**Моддий ва маънавий манфаатдорликни ҳис қилган ишчилар ҳозирги кунда илжои борица самарали ишлашга ҳаракат қилаёттирлар. Шу билан бирга йўлларни қуриш ва таъмирлашда сифатга ҳам катта эътибор берилмоқда.**

**Биринчи бўлиш осонмас**

тез-тез ўтиб туришади. Шунинг учун ҳам унинг четларига кейинги

йўллардан юрган киши кўзи қувнайидиган даражага келтирилган. Уни янада чиройли ва равон қилиш учун шу йилнинг ўзида кўкаламзорлаштиришга 8 миллион сўм сарф қилинди.

**"ГУЛТЕПА"ДАН САЛОМ ЙЎЛЛАЙМИЗ**

Корхона асосан халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўлларга хизмат қилганлиги боис ишчи-хизматчилардан алоҳида фидойилик талаб этилади. Бунга ҳис қилган жамоа аъзолари унинг ўтган давр ичида ўзининг 140 минг сўм контракт пулини қорхона ўз ҳисобидан ўтказиб берди. Ишчи Ёрқин Ашуров эса ҳайдовчилик касбига қайта ўқитилмоқда. Унинг ўқишига ҳам маблағ ажратилди.

Жорий таъмирлаш эса 40 миллион сўм сарфлашни тақозо этди. Ўтган давр ичида йўл четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратилди. Чунки бошқарма хизмат қилаётган йўл марказий трассада жойлашган. Табиийки, бу йўллардан чет эл сайёҳлари

йилларда кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Йўл туташмалари ободонлаштирилди. Автобус бекатлари ҳозирги замон талаблари даражасида қайта қурилди ва таъмирланди. Йўлнинг ўртасида ажратувчи тўсиқлар қурилиб, оқланди. Йўллар текислиниб, равонлаштирилди. Бир сўз билан айтганда марказий


дилари қишга тайёргарликни ҳам ўз вақтида амалга оширишди. Хусусан сирпанчиққа қарши 300 тонна кум, 150 тонна туз ва бошқа материалларни тайёрлаб қўйишди. Ишчиларга иссиқ кийимлар харид қилинди. Умуман олганда қорхонада ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида 312 дона эскирган йўл белгиларининг алмаштирилганлиги фикримиз далилидир. Бундан ташқари 99 километр масофада йўл қатнов қисми белгиланди. 64 та жойда пиёдалар қатнов қисми ажратиб қўйилди. 8 та йўл туташмалари ободонлаштирилди.

Корхонада техниканинг етарли бўлганлиги боис иш жараёнида четдан транспорт жалб қилинмади. Натижада қанчадан-қанча қўшимча ҳаражатлар иқтисод қилинди.

**Касбга садоқат**

қаришда техника хавфсизлиги қондаларига тўла амал қилиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида бошқармада йил давомида шикастланиш, захарланиш, транспорт ҳодисаси каби нохуш ҳоллар рўй бермади.

рида дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтидилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш учун ишчиларга пойабзал, қўлқоп ва бошқа кийим-кечаклар маълум муддатга бепул берилмоқда. Чигангарлар, электр пайвандчилар асфальт-бетон ишчилари, битумчилар,



Фуллом ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири.

Ўзбек миллий маданиятининг йирик намоянаси, атоқли мусаввир, инсон қалбининг сохир куйчиси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Раҳим Аҳмедов 80 ёшга тўлди.

Унинг ижоди миллий маданиятимиз ҳазинасига қўшилган улкан бойлиқдир. Атоқли мўйқалам соҳибининг халқ руҳини ифода этувчи портретлари бугунги авлод учун ҳам, келажак авлод учун ҳам бирдек қадри бўлиб қолади. Негаки, бу нодир санъат асарларида буюк аждодларимиз сиймоси, юртимизнинг гўзал табиати, халқимизнинг ўзига хос руҳий олами теран акс эттирилган. Унинг «Оналик», «Тонг» асарлари жаҳон тасвирий санъатида катта воқеа сифатида эътироф этилган. Шунингдек, «А.Тоштемиров», «Саид Аҳмад», «Ўрол Тансиқбоев», «Карима», «Кекса колхозчи», «Чўпон», «Она ўйлари», «Мўсафид» каби портретлари, «Баҳор», «Сув бўйида», «Оқтош», «Ойдин кеча» сингари ўнлаб манзарали асарлари ўзига хос руҳияти, ранглар жозибаси билан бетакрор санъат дурдоналари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг санъатини нафақат мамлакатимизда, балки кўплаб хорижий мамлакатларда билишадди, қадрлашадди. Буюк мусаввир бундай хурмат ва эҳтиромга ўз халқига, Ватанига бўлган оташин муҳаббати туфайли эришди. Зеро, миллатнинг ўлмас руҳияти, юртининг гўзал табиати, олижаноб одамлар сиймоси унга ҳамшира илҳом берган.

Раҳим Аҳмедовнинг болалиги оғир, руҳий кечинмаларда ўтди. Саккиз ёшида онадан етим қолиб, болалар уйида тарбияланди. Унинг қалбида рассомликка ҳавас ўқувчилик йилларидан бошланган. Дастлабки сабоқни республика бадий билим юртида Павел Беньков, Николай Каражин, Баҳром Ҳомидий каби зукко устозларидан олди. Уруш йилларида Шимолий Кавказ фронтининг агитбригадасида хизмат қилди. Ҳаётнинг машаққатли,

фотларининг лауреати, профессор Чингиз Аҳмаров шундай деган эдилар: — Бир манзара кечагидек кўз ўнгимдан кетмайди. Урушнинг сўнгги ойлари эди. Ушунда Раҳим Аҳмедов иккаламиз Тошкент кўчаларининг бирида суҳбатлашиб борардик. Шу пайт қаршимиздан келаятган бир тўда ўғил-қизлар чувиллашиб Раҳимни ўраб олишди. Уларнинг кўзлари шодликдан чакранди. Шунда мен кичкинтойларнинг ўз мураббийларига бу қадар чексиз меҳр-муҳаб-

Элини ардоқлаганни эл ардоқлайди

ланган. Рассом қорақалпоқ аёлларининг ёрқин тимсолини яратишда миллий аъналарга, миллий руҳиятга алоҳида эътибор беради, уни нозик кечинмалари ила абадиятга муҳрлайди. Ўзига хос тарзда ўралган рўмолида, соч толаларининг ҳароратида, ҳадиксираб боқувчи нигоҳларида, ҳаёлиниб, қимтиниб турган қаблариди аёл характерининг қирралари очилади. Ҳатто, рўмогилларида акс этган нозик қочиримлар, жозиба аёл қалбининг назокати ва гўзаллигига нисбатан берилади. «Каштачи» («Фарғоналик аёл») композициясида эса лирик кайфиятдаги аёл сиймоси намоён бўлади. Чевар гўё ҳаёлат дунёсида гўзал хиссиётларга асир бўлиб, тикаётган каштасини-да унутган ҳолатда, қалбига гулу солган ширин ўйлар оғушида тасвирланади. Сўзана гулларнинг нозик фони ва аёлнинг фарғонача ўралган дуррачаси, беқасам нимчасининг турфа хил йўллари ва либосларидаги ўзига хос хусусиятлари асарни янада мукамаллаштириб, мазмунан бойлатади. Бу образда водий аёлларига хос қувноқлик ва зукколикни, чеварлиги

нозик табиатлилик бўртиб кўрилади ва аёлнинг лирик кайфиятига, шоирона табиатига мойил ёрқин бўёқларда акс этади. Рассом ҳар бир деталда, ҳаттоки, сурилган оддий бир бўёк, чизилган шитрихни асарнинг гоёсини, мазмунини очиб беришга бўйсиндиради. Ҳар бир тасвирий воситани шунга қаратади, ташқи шаклнинг ички мазмунга мос келишини назардан қочирмайди. «А.Тоштемиров», «Холидаҳон», «Студент қиз», «Сурхондарёлик аёл», «Санъатшунос Шаҳноза Фаниева» портретларида асар қахрамонининг руҳияти, интеллектуал маънавий дунёси, ҳаётда тугган ўрни ва моҳиятини аслича тасвирлайди. Буларда томошабин эътибори ҳеч қандай детал ва қўшимча антуражларга чалғимади. Айниқса, севимли актёр Наби Раҳимов портрети ўз ичрочилик санъати билан муҳлисларга завқ-шавқ бахш этган буюк шахс қиёфасида акс эттирилган бўлса, «Карима» портретида зийрак, доно ва оқила аёл сиймоси гавдаланади. Хуллас, ҳар бир портрет, ҳар бир санъат асари мўйқалам соҳибининг бетимсол истеъдодига, буюк қалбига, гўзал ўй-хаёлларига қўйилган бир ҳайкалдир. Ҳар бир асар ҳақида алоҳида китоб ёсса арзийди. Зеро, уларнинг ҳар бирида улкан қалб соҳибининг қувонч ва ташвишлари, ўй-хаёллари, келажакка буюк ишончи муҳрланган.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ.

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

оғир дақиқаларида чиниқди, кўнгил кўзи билан дунёга боқиб унинг бетакрор онларини мўйқаламда акс эттирди. И.Е.Репин номидаги Санкт-Петербург бадий институтининг ранг-тасвир бўлимида ўқиш жараёнида ҳар бир инсон ўз халқининг, миллатининг бетакрор тимсоли эканлигини янада тийрак англади ва ўзбек халқининг миллий қиёфасини, ўзлигини, самимиятини ёрқин бўёқларда акс эттиришга киришди. Етим қолганида унга паноҳ бўлган муқаддас даргоҳ — болалар уйидан узоқлашмади. У ерда тарбиячи ва рассом сифатида фаолиятини давом эттирди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат муко-

батидан ҳаяжонланиб кетдим... Шундан бери неча йиллар ўтди. Раҳим оддий мураббийликдан буюк рассом бўлиб етишди... Раҳим Аҳмедовнинг ҳаёт йўли, ижоди ёшлар учун сабоқ, ҳаёт мактабидир. У яратган ҳар бир асарнинг ўз тарихи, ўз маҳорат сабоқлари бор. Уларга боққанин сайин рассомнинг бетакрор истеъдоди ва нозик қалбини ҳис қиласан. Унинг ҳар бир суратида ўзбек халқининг буюк қалби, донолиги, меҳнаткаш ва олижаноблиги акс этган. «Қорақалпоқ аёли» сиймосидаги руҳий тетиклик, нигоҳида акс этган журъат, воҳа аёлларигагина хос бўлган самимият ва беғуборлик маҳорат билан тасвир-

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг амалга оширилиши ёш авлодни маънавий баркамол ва жисмонан соғлом кишилар этиб тарбиялаш учун кенг имконият яратди. Мамлакатимиз келажги, ислохотлар тақдирини ҳар томонлама камол топган, билимдон ва гоёвий етук кадрларга боғлиқдир. Ҳозир тўққизинчи йилдаги технология-иктисод коллежи жамоаси Президентимиз Фармонлари, ҳукуратимиз қарорларида илгари сурилган вазифалардан

«Она ва бола» Давлат дастурини бажариш мақсадида туман марказий шифохонаси, маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда «Бола тарбиясида маҳалланинг ўрни», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Экстремизмга йўл йўқ», «Жаннат оналар оёғи остидадур» каби мавзуларда тарбиявий тадбирлар ўтказилди. Битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш

лотлар билан алоқани мустақамлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда, — дейди коллеж директори. Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши ўқувчи ва ўқитувчиларга нисбатан талабчанликни ошириш вазифасини қўйди. Дарс жараёнида янги ахборот ва

ИҚТИДОР ИСЛОҲОТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

келиб чиққан ҳолда бозор муносабатлари шароитларида ишлаш ола-диган касб-ҳунар эгаларини тарбиялаб етказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. 1968 йилда Пачкамар қурилиш техникуми базасида вужудга келган ва 1995 йилда коллежга айлантирилган бу ўқув юрти Қашқадарё вилоятидаги йирик билим масканларидан биридир. Иزلанувчан ва талабчан педагог, олий тоифали мутахассис Ўктам Тўхтаев қарийб чорак асрдан бери аҳил жамоага раҳбарлик қилиб келади. Коллежнинг кундузги бўлимида халқ хўжалик тармоқларида иқтисод ва режа, муҳосиблик, хўжалик назорати ва таҳлили, молия ва нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси, тикувчилик, бино ва иншоотларни қуриш, улардан фойдаланиш мутахассисликлари бўйича 631 нафар талаба билим олмақда. Бундан ташқари 219 нафар йигит-қиз сиртки бўлимида ўқияпти. — Моддий-техника базасини ривожлантириш, фан кабинетлари, ўқув устакхоналарини жиҳозлаш, корхона ва ташқи-


илғор технологиялар кенг қўлланилмоқда. Машғулотларда кўргазмалар қўрилган ва техника воситаларида фойдаланилапти. Илм масканида компьютер синфлари, кино-пректорлар, диопректор, кодоскоп, «Лектор-2000», кинокамера, магнитофон, телевизор, электрон-ҳисоблаш, нусха кўчириш учкуналари ишлаб турибди. Коллежда кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш билан биргаликда маънавий-маърифий ишлар ҳам амалга оширилмоқда. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари», «Ватан — саждағоҳи каби муқаддасдир», «Ғиёҳ-вандлик — аср вабоси», «Хушёр ва оғоҳ бўлайлик», «Соғлом авлод — юрт таяничи», «Сиз қонунни биласизми?» мавзуларида ўтказилган машғулотлар, кўрик-танловлар талабаларда чуқур таассурот қолдириди. 18 минг 213 та китоб фондига эга бўлган кутубхона, қироатхона, ётоқхона, ошхона, спорт майдончалари талабалар хизматида. 12 та фан тўғраги фаолият қўрсатмоқда.

эътиборда турибди. Ўтган йили ўқув юрти тугаллаган 154 ўқувчидан 146 нафари ўз мутахассислиги бўйича меҳнат қилмоқда. Туман иқтисодиётини ривожлантириш йўлида меҳнат қилаётган Нуриддин Рўзиев, Ўктам Йўлдошев, Медия Сафарова, Бойбўри Маматов каби тажрибали мутахассислар ўқув юртининг собиқ талабаларидир. Бу йил коллежни битирадиганлардан 233 нафарини ишга жойлаштириш бўйича вилоятдаги корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Ёшларга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта билим бериб келаятган М.Қурбонова, К.Исмоилов, В.Бўриева, Н.Сафаров, Д.Хўжакуловларнинг фидойилиги туфайли ўқув-тарбияда сифат ўзгаришлар рўй бермоқда. Замон талабларига мос, иқтисодий ислохотлар учун хизмат қилади-диган, қобилиятли касб-ҳунар эгаларини камол топтириш технология иқтисодиёти коллежи ўқитувчи ва муҳандислар жамоасининг асосий ишига айланган.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Арганчи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Ҳашар йўли билан бунёд этилган ушбу муассаса Дархон ва Усмонобод қишлоқлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Янги шифо масканида она ва бола, физиотерапия, гинекология бўлимлари мавжуд. Кундузги стационарда 15 бемор этиб даволаниши мумкин. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган врачлик пункти беш мингдан зиёд фуқаро соғлигини химоя қилади.



Замонлар ўтаверади. Аждодлар яратган обидалар халқнинг бебаҳо мероси бўлиб яшайверади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Аукцион савдолари 2001 йил 21,27 декабр, 2002 йил 3,10,17 январ кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносидида ўтказилади.

ИЖОДИЙ МАВСУМ

Шаҳримизда фаолият кўрсатган «Классика» деб номланган торли квартал ўзининг навбатдаги янги ижодий мавсумини бошлади. Скрипкачилар камер гуруҳи дастлабки концерт дастурини машҳур композитор Иоган Бах ижодига бағишлади. Тошкентдаги Сергей Есенин музейида ташкил этилган бу мусиқа кечасида янраган асар скрипкаларда зўр маҳорат билан ижро этилди. Концертда болалар мусиқа мактаблари ўқувчилари қатнашди. Камер оркестрининг навбатдаги концерти Тошкентдаги II-болалар мусиқа мактабидида ўтказилди. Ижодий мавсум давомида мусиқачилар янги концерт дастурларини тайёрлаб, муҳлис-ларга тақдим этишди.

НАВБАТ БЕРЛИН МУСИҚА МАКТАБИГА

Успенский номидаги республика мусиқа мактабини битирган умидли мусиқачилар чет эл ижодий сафарларида ҳам муваффақиятли қатнашмоқдалар. Виолончел чолғу асосини чалиш маҳоратини пухта эгаллаган Дониёр Одилов ҳам шундай бахтга муяссар бўлди. Унинг Америкада ўтказган концертлари кўпчиликлари манзур бўлди. У ёшларнинг умумжаҳон симфоник оркестри тақлифи билан АКШ мусиқа жамоатчилиги концертларида иштирок этиб, ижрончилик маҳоратини намоён этди. Истеъдодли ёш созанда Германияда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Бунинг учун у Берлин олий санъат мактаби профессори Шваб имтиҳонларидан яхши ўтиб, унинг меҳрини қозонди. Ёш ўзбек мусиқачисининг талабалик йиллари ҳам муваффақиятли ўтади, деган умиддамиз.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши номига берилган 226917439 сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1997 йил 23 июн куни Пардақуллов Алибек Муҳиддинович номига Жиззах шаҳридаги М.Хусайнов номи 19-ўрта мактаб томонидан берилган О.Р-В №015321 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Масъумият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.